

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

№ МД 5А 120101 - 2.03

2016 йил "09" 01



2016 йил "02" 01

ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар

Мутахассислик: 5А 120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Муратова Э.Д. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Махмудова Н.А. – ЎзДЖТУ, “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Джалилова Х.М. – ЎзМУ, хорижий филология факультети, “Таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.;

Глазырина С.А. – ЎзДЖТУ, “Инглиз тили стилистикаси” кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Қиёсий адабиётшунослик фани адабиётлараро жараён тараққиёти қонуниятларини англашга, бадиий матннинг қиёсий таҳлил усули ҳақида тасаввур ва умумгуманитар билимларни шакллантиришга хизмат қилади. Фан Буюк Британия ва АҚШда адабий жараёнларнинг тарихий тараққиёти ва уларнинг муҳим ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги, жаҳон адабиётидаги устувор адабий йўналиш ва оқимлар, шоир, ёзувчилар ҳаёти ва ижоди, уларнинг бадиий меросини қиёсий ўрганади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Қиёсий адабиётшунослик фанининг асосий мақсади – талабаларни инглиз, ўзбек, рус ва бошқа миллий адабиётлардаги йўналиш ва оқимларнинг эволюцион босқичларини қиёслаш усуллари орқали таништириш, магистрантлар билимини тизимли равишда шакллантириб, уларга муайян мамлакат адабиёти тараққиёти тарихий жараёнлар билан боғлиқлигини тушунтириш, турли даврга ва турли миллий адабиётларга тегишли бўлган йирик адабиёт вакиллари ҳаёти, ижодий йўли ва асарлари билан таништириш, таҳлил қилиш ва уларнинг бадиий аҳамияти ҳақида батафсил маълумот бериш.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга – қиёсий адабиётшуносликнинг компаратив усул ва услубларидан фойдаланишни, ўрганилаётган адабиётнинг миллий ва маданий хусусиятларини фарқлашни, миллий адабиётнинг жаҳон адабиёти билан ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тушунчаларни ва умумжаҳон адабий-тарихий муаммоларини қиёслашга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Қиёсий адабиётшунослик” фанини ўзлаштириш жараёнида магистр:

- қиёсий адабиётшунослик фани тарихи ва назарий асослари;
- қиёсий-тарихий услуб тушунчасини ва тараққиёти;
- қиёсий-тарихий жараёнларнинг уйғунлиги;
- афсона мактаби ривожини ва уни қиёсий-тарихий методга бўлган таъсири;
- маданий-тарихий мактаб асосчиларининг қиёсий-тарихий методга бўлган таъсири;
- Тарихий-типология конвенция;

- Бадиий адабиёт турлари муаммоси **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- Турли миллий адабиётлар ривожланиш боскичлари ва ўзаро таъсирини;
- XIX аср мутафаккирлари позициясининг қиёсий-чоғиштира таҳлилини;
- бадиий адабиётнинг ривожланиш қонуниятларини;
- адабий оқимлар ва йўналишларни;
- бадиий ижодда маъно ва шаклни;
- бадиий асар таҳлилини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- асарнинг объектив ғояси ва муаллиф ғоясини тушуниш;
- характер, композиция ва сюжетни таҳлил қила олиш;
- бадиий тасвирнинг эстетик аҳамиятини аниқлаш;
- қиёсий таҳлил асосларини;
- турли адабиётлараро ўзаро таъсирни аниқлаш;
- қиёсий-тарихий услубни бадиий матн таҳлилида қўллаш;
- бадиий адабиёт тилининг ўзига хослигини аниқлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**
- турли адабиётшунослик методларидан фойдаланиб бадиий асарни таҳлил қилиш;
- турли жанрлар бадиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда қиёсий методни таҳлилжараёнида қўллаш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Бакалавр боскичида ўқитилган “Жаҳон адабиёти”, “Адабиёт назарияси” ва “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти” фанларида олинган билимлар хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масаллари фанини ўқиш давомида умумийлаштирилиб чуқурлаштирилади. “Қиёсий адабиётшунослик” фани мутахассислик фани ҳисобланади. Мазкур фан, “Адабий алоқалар”, “Замонавий хорижий адабиёт”, “Илмий тадқиқот методологияси”, “Адабий танқид тарихи” ва “Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” фанлари билан муаммоларнинг умумийлиги жиҳатидан бир-бирига ўзаро боғланган.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Қиёсий адабиётшунослик фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фан доирасида ўзлаштирилган билимлар миллий ва жаҳон адабиётларини ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш, ёзувчилар дунёқарашларидаги ўхшашлик ва тафовутни, бадий асар ғоявий мазмунини англашда катта аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ушбу фанни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш).

Машғулотлар давомида бадий ва танқидий адабиётлар, Интернет маълумотлари, аудио ва видео материаллар қўлланилади. Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Фанга кириш

Қиёсий адабиётшунослик фанининг ривожланиш жараёнлари. Чет эл адабиётшунослиги ва қиёсий адабиётшунослик фанининг эволюцион босқичлари.

Адабиётшуносликда қиёсий-тарихий услуб тараққиёти

Қиёсий адабиётшунослик фани тарихи ва назарий асослари. Қиёсий-тарихий услуб тушунчасини пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи. Қиёсий-тарихий жараёнларни уйғунлиги. Мифологик мактабнинг тараққиёти ва уни қиёсий-тарихий услубга бўлган таъсири (Я. ва В.Гримм, А.Кун, М.Мюллер, Ф.И.Буслаев, А.Н.Афанасьев, О.Ф.Миллер). Турли миллат афсоналари умумийлиги. Маданий-тарихий мактаб асосчиларини қиёсий-тарихий услубга бўлган таъсири(И.Тэн, В.Шерер, Г.Лансон, Г.Брандес, Ж.Льюис, А.Н.Пыпин, Н.С.Тихонравов). Қиёсий-тарихий услубни адабиётлараро жараёнда ривож. Тарихий-типологик конвергенция.

Бадий адабиёт турлари муаммоси

Аристотель ва Гегель асарларида адабий назариялар. Адабий жанр тушунчаси. Эпос хусусиятлари. Лирик жанр хусусиятлари. Лиро-эпик асарлар. Драматургия ва лиро-драматургия. Драматургияда лиризм ва эпос. Эпосда миллий-тарихий жанрлар. Эпосда романтик жанрлар. Сатирада жанр хусусиятлари.

Ўрта аср ва Уйғониш даври Ғарб ва Шарқ адабиётининг тараққиёти

Ўрта аср ва Уйғониш даври Ғарб ва Шарқ адабиётининг қиёсий таҳлили, тараққиёт йўналишлари. Оғзаки халқ ижодининг адабиётшунослик ривожигаги ўрни. Оғзаки халқ ижоди жанрлари. Уйғониш даври адабиётининг аҳамияти. Уйғониш даври адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижоди. Синхрон ва диахрон таъсирлар.

Маърифатпарварлик адабиёти

Миллий тараққиёт демократик тенденцияларининг назарий-адабий ғояларга таъсири. Маърифатпарварлик адабиёти мутафаккирлари – Клод Гельвеция ва Иоганн Винкельман. Адабиётшунослик асосчиси – Иоганн Гердер (1744-1803). Адабиётшуносликнинг тарихий фан сифатида тараққиёти. Г.Ф.В. Гегелнинг (1770-1832) ҳаётни диалектик англаш концепцияси, санъатда маъно ва шакл, қарама қаршилиқлар қонуниятига муносабати.

Адабиётшуносликда методологик тенденциялар

Миллий тараққиёт демократик тенденцияларининг назарий-адабий ғояларга таъсири. XIX аср мутафаккирлари позициясининг қиёсий-чоғиштирма таҳлили. Гегель ва Чернышевскийларнинг адабиётшунослик тараққиётига қўшган ҳиссаси ва ғоялари аҳамияти.

Адабиётшуносликда позитивизм тараққиёти

Огюста Контнинг (1798-1857) ижобий (позитив) фалсафаси. Индуктив-дедуктив умумлаштириш тамойили. Метафизик қарашлар. Германия адабиётшунослигида (Якоб ва Вильгельм Гримм) позитивизм тараққиёти. Формализм ва структурализм ривожиди. Т.Бенфей ғоялари ва ўзлаштириш назарияси.

XX асрда қиёсий адабиётшунослик тараққиёти

АҚШ (Р.Уэллек. В.Фридерих), Германия (М.Кестинг, К.Вайс, К.Хамбургер), Франция (Клод Пишуа, Анри Гранжар), Руминия (А.Дима), Словакия (Д.Дюришин), Россия (А.Н.Веселовский) адабиётшунослик мактаблари тадқиқотларининг қиёсий адабиётшунослик учун аҳамияти. Миллий, минтақавий ва жаҳон адабиёти тушунчалари.

Бадиий адабиёт тараққиёти қонуниятлари

Адабий оқимлар ва йўналишлар. Адабиёт тараққиётининг илк босқичларида адабий оқимлар. Сентиментализм ва романтизм адабий йўналишлари хусусиятлари. Реализмнинг адабий йўналишлари. Адабиёт, модернизм ва постмодернизм. Постмодернизм концепциясининг шаклланиши. Постмодернизм ва “Ўзга сўз” муаммоси.

Бадиий асар қиёсий таҳлили

Санъатда ва ҳаётда шакл ва маъно тушунчаси. Шакл ва маъно – фалсафий тушунчалар. Шакл ва маъно ўртасидаги муносабат. Асарнинг «ички шакл» ва «ташқи шакл»и ва унинг санъат ва адабиётда мазмуни. Санъат ҳаётни англаш воситаси. Санъат – борлиқни ва ижтимоий онг тараққиёти омили. Бадиий ижодда маъно ва шакл. Асарнинг объектив ғояси ва муаллиф ғояси. Характер, композиция ва сюжет. Бадиий тасвирнинг эстетик аҳамияти. Тасвирнинг ҳаётийлиги ва халқчиллиги. Бадиий адабиёт тилининг ўзига хослиги. Ёзувчи тилининг манбалари. Тил маданияти тараққиётида ёзувчининг роли.

Бадиий адабиётнинг нарратологик хусусиятлари

Бадиий асарнинг лисоний хусусиятлари. Бадиий асарларда адабиётлараро диалогизм масаласи. Муаллиф образининг бадиий асарда акс этиши. Сўзларнинг кўчма маъноси (троплар ва уларнинг турлари). Интонация ва синтаксис. Лингвокультурологик аспектда сўзларнинг кўп маънолилиги. Ёзувчи тилининг манбалари. Тил маданияти тараққиётида ёзувчининг роли.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Қиёсий адабиётшунослик фанининг тараққиёти.
- Халқаро адабий оқимларнинг қиёсий таҳлили.
- Шарқ ва Ғарб адабиётининг ривожланиш босқичлари.
- Адабий тур ва жанрлар.
- Шарқ ва Ғарб адабиётининг бир-бирига таъсири.
- Адабиётлараро мулоқотда таржиманинг аҳамияти.
- Ёзувчилар ижодининг талқини ва қиёсий таҳлил масалалари.
- Типологик категория ва адабий жараён.
- Қиёсий адабиётшуносликда текст, контекст ва интертекст масалалари.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларни мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув кўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- масофавий таълим.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Роман жанрининг Европа ва Ўзбекистонда ривожланиш тарихи
2. Инглиз ва ўзбек шеърятининг қиёсий таҳлили.
3. Болалик ва таълим-тарбия мавзусининг инглиз, америка, рус ва ўзбек адабиётларида ёритилиши.
4. Инглиз, америка, рус ва ўзбек адабиётларида аёл образи ва ижтимоий мавқеи.
5. В.Скотт ва Ойбек ижодининг қиёсий тадқиқи (тарихий романлар асосида).
6. Инглиз ва ўзбек адабиётда халқ оғзаки ижодининг бадиий хусусиятлари.
7. Англия адабиётида Амир Темур образи талқини.
8. Шекспирнинг “Ричард Ш” хроникаси ва А.Фитратнинг “Абулфайзхон” драмасида образлар талқини.
9. Ўзбек ва инглиз фантастикасининг бадиий талқини. (Х.Шайхов ва Г.Уэллс асарлари мисолида).
10. Т.Драйзернинг “Женни Герхард” ва А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарларида тақдир қурбонлари мавзусининг ёритилиши.
11. Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик адабиётида ижтимоий онг тасвири.
12. М.Твен ва Ғ.Ғулом асарларида болалар психологиясининг акс эттирилиши;
13. Инглиз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари “Беовульф” ва “Алпомиш” асарларининг бадиий талқини.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Хорижда ва республикамизда нашр этилган илмий адабиётлар, махсус журналлар ва илмий мақолалар тўплами, адабиётшуносликка бағишланган интернет сайтларидан унумли фойдаланиш тавсия этилади.

Қиёсий адабиётшуносликка алоқадор мавжуд ўқув адабиётларни ўрганиб чиқиш, диссертацияларнинг авторефератларидан фойдаланиб, турли адабий методларини тадқиқ қилиш магистрантларга диссертация ёзишда қўл келади. Шунингдек, интернет имкониятларидан фойдаланиб, тақдимот учун слайдлар тайёрлаш тавсия этилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар

1. Comparative literature in the age of multiculturalism. Edited by Carles Bernheimer. The John Hopkins University Press. London 1995
2. Основы сравнительного и сопоставительного литературоведения: учеб. пособ. / Казан. гос. ун-т, Филол. фак., Каф. сопостав. филол. и межкультур. коммуникации; авт.-сост. В.Р.Аmineва; науч. ред. Д.Ф.Загидуллина.– Казань: Казан. гос. ун-т, 2007. – 480 с.
3. Шайтанов И.О. Компаративистика и/или поэтика: Английские сюжеты глазами исторической поэтикиМ.: РГГУ, 2010. — 656 с.

Кўшимча адабиётлар

1. Gale Contextual Encyclopedia of American Literature. 2009, Gale. USA
2. Oxford companion to English literature. Margaret Drabble. Oxford University press. 2000.
3. Shunqing Cao. The Variation Theory of Comparative Literature. Chuan University China. Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 2013. Theories of Comparative Literature - South Valley University А.Н.Веселовский и сравнительное литературоведение[1939-1940]; Литературные течения как явление международное[1867]/ В.М.Жирмунский// Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. - Л., 1979.
4. Погребная Я.В. Сравнительно-историческое литературоведение. Учебное пособие / – 2-е изд., стереотип. – М. : ФЛИНТА, 2011. – 84 с.

Интернет сайтлар

1. http://teoria-practica.ru/rus/files/arhiv_zhurnala/2011/6/filologiya/galay.pdf
2. <http://www.uz-translations.net>
3. <http://www.booksbooksbooks.ru>
4. <http://www.literature-online>
5. <http://www.twirpx.com/file/546814/>
6. <http://download.springer.com/static/pdf/909/bfm%253A978-3-642-34277-6%252F1>.
7. http://www.svu.edu.eg/links/ictp/e_learning/links/courses/dr_%20khalil/TH EORIES%20OF%20C%20L.3.pdf
8. <http://www.twirpx.com/file/1494833/>

¹ Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда кўшимчалар киритилиши мумкин.

